Маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир!

МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№15 (97) 21.05.2020 йил

Миллий тилни йўқотмоқ – миллат руҳин йўқотмоқ

Бу улуғлар тили:

ортиқча далил ва шарҳ шарт эмас

Сўзларимни яқин тарихдан бошламоқчиман. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов юрт мустақиллигини эълон қилганда, залда ўтирганларнинг аксарияти дўппи кийганди. Орадан ҳеч қанча ўтмай бошдан дўппиларни ечдик. Бу воқеани нега эсладик? Гап шундаки, биз мустамлака пайтида қадриятларимизни авайлашга кўпроқ уринардик. Чунки уларга очиқ таҳдид бор эди. Таҳдидлар кўтарилгач эса ушбу масалада хотиржамликка берилдик. Мумтоз мусиқамиз, урф-одатларимиз, миллий рақсларимиз-у, маданий меросимиз, атласу дўппиларимизни сақлаб қолдик, дея уларга эътиборимиз сусайди. Жумладан, миллатимиз кўзгуси бўлган тилимизга ҳам...

Шу кунларда ОАВда Россия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мария Захарованинг Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан ўзбек тилига дахлдор қонун лойиҳаси муҳокамага киритилишига доир муносабати эълон қилинди. Аввало, юртимизда ўзбеклар билан тинч-тотув яшаб келаётган кўп сонли рус миллати вакилларига, уларнинг тили ва маданиятига чуқур эҳтиромимни билдирган ҳолда бу борадаги фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Ва шуни алоҳида таъкидлаб ўтаманки, шахсан мен маданият тарғиботчиси сифатида (ўзбек) тили устуворлигини таъминловчи қонун қабул қилиниши тарафдориман ва унга амал қилишга тайёрман.

Мен тил масаласининг миллатимиз орасида ҳар қанча муҳокама қилинишига қарши эмасман. Буни ёқлайман ҳам. Бу бизнинг ички ва фақатгина халқимизга хос масаламиз. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ ташқи сиёсат борасида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига қатъий амал қилиб келмоқда. Ўз навбатида ички сиёсатда ечим топиладиган масалаларда ўзига нисбатан ҳам худди шу тамойил қўлланилиши тарафдори.

Мария Захарованинг фикрлари, аввало, мана шу меъёр чегарасини ошиб ўтиш сифатида баҳоланади. Тилимизга нисбатан кўрсатилаётган таъсир маданиятимизга акс жавобнинг илк қадамидир.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

Жароҳатланган жажжи қалб ноласи

4-саҳифада

Музейларимиз жаҳонга юз тутмоқда

5-саҳифада

«Жоконда» ҳақида нималарни биламиз?

7-саҳифада

Видеоконференция

Пандемия даврида Ўзбекистон музейлари

Музейлар тарих ва маданиятни кўрсатиб берувчи асосий кўзгулардан биридир. Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қанча ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиздаги карантин даврини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан 18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилиги тарихи музейида "Пандемия даврида Ўзбекистон музейлари: фаолиятнинг янги шакллари ва жамият билан муносабатлар" мавзусида видеоконференция ўтказилди. Уни Маданият вазири ўринбосари Камола Оқилова табрик сўзи билан очиб берди. Музей ходимлари ўз навбатида музейларнинг пандемия давридаги фаолияти, виртуал лойиҳалар, фаолиятнинг онлайн олиб борилиши ҳақидаги маърузалари билан қатнашдилар.

Мазкур видеоконференция ZOOM дастури орқали барча давлат музейларини қамраб олган ҳолда ташкил этилди. Тадбирда 70 дан ортиқ Маданият вазирлиги ва Фанлар Академияси тизимидаги музейлар вакиллари иштироки кўзда тутилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 11 декабрда «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилинганди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Маданият вазирлиги томонидан Миллий музей жамғармасининг электрон каталоги ишга туширилди.

Давоми 2-саҳифада

Донолар сўзлайди... !

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани, Қарилик чоғида харж қилғил ани.
Алишер Навоий

Китоб – бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.
Асқад Мухтор

Халқ яхши бўлса, яхши бошлиқ келади, халқ ёмон бўлса, ёмон бошлиқ.
Каъбул Ахбор

Ўзгалар олдида берилган насиҳат таъна-дек ботади.
Қобус

Маданий ҳаёт

Давлат циркига ташриф

19 май куни Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг Ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Беҳзод Мусаев ҳамда Маданият вазири Озодбек Назарбеков Ўзбекистон давлат циркига ташриф буюришди.

Улар циркнинг бугунги ҳолатини кўздан кечирар экан, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганишди. У ерда фаолият олиб борувчи ходимларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди.

Шунингдек, циркда сақланаётган ҳайвонлар аҳволи ва уларнинг яшаш жойидаги санитария-гигиена ҳолатлари ўрганилиб, цирк директорига мавжуд шароитни янада яхшилаш бўйича қатор кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон давлат циркини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Европа стандартларига мослаштириш, қолаверса, узоқ йиллар таъмирталаб ҳолатда бўлгани боис унга сарфланадиган харажатлар миқдори юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Бу улуғлар тили: ортиқча далил ва шарҳ шарт эмас

Бунга инсоният тарихида етарлича далиллар бор. Тил – ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай миллат учун энг бебаҳо қадриятдир. Қадриятини йўқотган миллат эса ўзлигини йўқотади. Собиқ шўролар даврида рус тили мақомини кўтариш мақсадида ўзбек тилини менсимаслик, уни йўқотишга бўлган уринишлар, афсуски, оз бўлса-да, самара берган. Ва ҳали-ҳануз биз унинг таъсиридан чиқиб кетолмаяпмиз.

Қайси тилда мулоқот қилиш албатта ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқи ва бу қонун билан ҳимояланган. Лекин давлат тили мақоми ҳақида сўз борар экан бу борадаги ҳар қандай қонунда фақат ва фақат ЎЗБЕК ТИЛИнинг устуворлиги акс этиши шарт!

Захарова хонимнинг айтишича, рус тили филологиясини ўқитиш, русча таълимни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик кенгайтирилади. Албатта, хорижий тилни ўрганишнинг фойдаси бўлса борки, зарари йўқ. Бироқ тил тўғрисидаги қонун лойиҳаси озчилик томонидан маъқулланган, деган фикрига қўшилмайман.

Ўзбек тили бу – Навоий бобомиз тили. Амир Темур, Бухорий каби улуғларимиз тили. У шунчалар мукаммалки, бунга ортиқча далил ва шарҳ шарт эмас. Рус тилининг адабий дурдоналари, Пушкин, Лермонтов, Толстойларнинг асарлари ўзбек тилига қанчалик маҳорат билан таржима қилинганини етук мутахассислар эътироф этишган. Рус тилида ишланган фильмларнинг ўзбекча талқинларига, ҳатто, рус ижодкорларининг ўзлари ҳам тан беришган. Мана шундай бой, жозибадор тилимиз турганда унга тенг қўйиладиган бошқа тилга не ҳожат?

Ўзбек тили ҳақида россиялик тилшунослар фикр билдиришганида тўғри қабул қиламиз, бироқ бу мавзу Ташқи ишлар вазирлиги минбарида тилга олингани бекорга эмас. Бу ерда аниқ режа ва сиёсий мақсадлар борлиги кундай равшан.

Мен юрт фарзанди сифатида тилимиздан қандайдир сиёсий манфаатлар йўлида фойдаланилишига мутлақо қаршиман. Россия ҳукуматидан эса ўзбек миллатининг хоҳиш-иродаси, қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни сўрайман. Ўзбекистон суверен-демократик давлат сифатида ўз йўлини ўзи белгилашга қодир мамлакат.

Бу масалада бошқа ҳамкасбларимизни, жамоатчиликни, ўзбек тилини ор-номус, миллий ғурур рамзи деб биладиган барчани бебаҳо қадриятимиз – тилимиз ҳимоясига чақираман.

Озодбек Назарбеков,
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири

Давоми. Боши 1-саҳифада

Пандемия даврида Ўзбекистон музейлари

Электрон каталог www.goskatalog.uz интернет манзилида жойлашган бўлиб, унга давлат музейларининг 46 таси бириктирилган. Электрон каталогга Ўзбекистон музейларининг археология, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат, фотография ва бошқа кўринишдаги коллекция экспонатлар инвентаризацияси ва маълумотлар базаси киритилган. Виртуал галерея, музей каталоглари мавжуд сайтга интернетнинг барча фойдаланувчилари кириши мумкин. Сайтдан фойдаланувчилар 90 мингга яқин юқори сифатли экспонатларни томоша қилишади, шунингдек, ҳар бир музейнинг асосий коллекция экспонатларининг яратилиш тарихи ҳамда тавсифи билан танишадилар.

Бундан ташқари, www.museums.uz домени остида Ўзбекистон музейларининг ягона порталини яратиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. "Ўзбекистон музейларига виртуал саёҳат" лойиҳаси доирасида 20 та музейнинг 3D кўриниши яратилди. Юқорида амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон музейлари фаолияти янги сифат босқичига кўтарилмоқда. Аҳолининг миллий маданий меросимиз ҳамда бой тарихимизга қизиқиши кундан-кунга ортмоқда.

Амалга оширилган ишлар, айниқса, ҳозирги Коронавирус пандемияси сабаб эълон қилинган карантин даврида музейларга қизиқиши баланд инсонлар учун қулай ва самаралидир.

Маданият вазирлиги Ахборот хизмати

Ёнимиздаги одамлар

Камтарин инсон фаолиятидан бир чимдим

Хива тарихи, шунингдек, Ўзбекистоннинг янги тарихи I-III томлари тақризчиси, Хоразм давлатчилиги тарихнавислигига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли, камтарин инсон, таниқли эллшунос олим, серқирра ижод соҳиби, тарих фанлари номзоди Абдулла Абдурасулов 1942 йил 13 июнда Хива тумани Гандимён қишлоғида, деҳқон оиласида дунёга келган.

У ёшлигиданоқ билимга чанқоқ бўлиб, айниқса, Хива ёдгорликлари тарихига қизиққан. Бу уни Урганч давлат педагогика институтининг тарих факультетида таҳсил олишга ундаган. 1975 йил институтни тамомлаган Абдулла 1977 йил Ўзбекистон халқлари тарихи музейи аспирантурасига ўқишга қабул қилинади. 1988 йил профессор Ҳ.З.Зияев раҳбарлигида "XIX аср охири XX аср бошларида Хива шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Тарихчи босиб ўтган йўлга бир назар ташласак, унинг ижодий фаолияти жуда самарали, сермаҳсул кечганига гувоҳ бўламиз. 4 та турли мавзулардаги монография, қўлланма, илмий-оммабоп китоблар, 40 дан зиёд илмий мақолалар, уларнинг барчаси Хива шаҳри тарихи, этнографияси, маданий ҳаётини чуқур тадқиқ қилишга қаратилган. Айниқса, олимнинг Хива шаҳри ёшини аниқлашдаги хизматлари беқиёсдир. Хоразм Ўзбек давлатчилиги асосларидан бири эканини илмий исботлашдаги изланишлари ҳам алоҳида эътироф лойиқ. Абдулла ака Хива пахта тозалаш заводида дурадгор, Хива саёҳатлар бюросида мудир, "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонасида директор ўринбосари, Хива туман мафкура бўлимида йўриқчи, Хоразм вилояти мафкура бўлими лектори, "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонасида директор ва Хоразм Маъмун академиясида "Археология, тарих ва фалсафа" бўлими мудири лавозимларида ишлаган. У қаерда фаолият юритмасин ўзининг билими, виждони, талабчанлиги, меҳнати билан ҳурмат қозонган. Масалан, "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонасида 1990 йилдан 2001 йилгача директор бўлиб ишлаган бўлса, ўша йиллар ичида кўплаб янги музей экспозициялари очилди, Хива тарихига оид экспонатлар тўпланиб, музей фонди бойитилди, у ерга ташриф буюрувчилар сони ўсиб борди.

1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи жаҳон миқёсида кенг нишонланди, бунда ҳам Абдулла аканинг хизматлари беқиёс. У кўплаб шогирдлар етиштирди. Бугунги кунда уларнинг аксарияти тарих фанлари номзоди.

Абдулла ака рафиқаси Моможон опа билан фарзандлари Мақсуд, Хушнуд, Замира, Нодира, Мадиналарни билимли, оқибатли қилиб тарбиялаб, уларни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар сифатида вояга етказишди. Меҳрибон ота неваралари Расулбек, Хуснинддин, Абдулазиз, Динара, Камола, Асадбек, Мардонбек, Илмира, Жалолиддин, Сирожиддин, Севара, Шоҳназар, Индира, Лолахонларнинг севимли бобосидир.

Тарихчи олим, талабчан раҳбар, меҳрибон устоз, камтар инсон Абдулла Абдурасуловнинг қилган хизматлари беиз кетмади, 1992 йилда "Мустақиллик" эсдалик нишони билан тақдирланган бўлса, 1998 йилда "Эл-юрт ҳурмати" орденига сазовор бўлди.

Устозимизни музейлар куни билан табриклаб, у кишидан янги илмий асарлар кутиб, шу билан бирга мустаҳкам соғлиқ, фарзандлари, неваралари саодатини кўриш бахтини тилаб қоламиз.

Мақсудбек Абдурасулов

Сўраган эдингиз

Карантин даврида лицензия бериш тартиби

Ўзбекистонда коронавирус (COVID-19) эпидемияси бўйича эълон қилинган карантин даврида фуқаролар, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятига оид кўтарилган савол ва мурожаатлардан бири лицензия масаласи бўлди.

Савол:

Бугунги кунда санъаткорлар, созандалар, овоз операторларининг лицензия масаласи қандай ҳал этилади? Карантин эълон қилингани муносабати билан муддат узайтириладими?

Жавоб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли ва 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармонларига асосан, якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва енгилликлардан фойдаланиш бўйича меъёрлар белгиланди.

Жумладан, ўрнатилган муддатларга қадар:

ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтириш;

ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблашни тўхтатиш ҳуқуқи берилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сонли Фармони билан якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича меъёрлар белгиланди.

Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилиши белгиланди, бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари хабардор қилинади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда 2020 йил 1 октябрга қадар қуйидаги солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Ижтимоий солиқ бўйича – уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти белгиланди.

Шу ўринда, лицензиантлар концерттомоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида фаолиятни давом эттириш, лицензияни тўхтатиш ёки амал қилишини тугатиш, бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, солиқ тўланиши масаласи юзасидан рўйхатдан ўтган манзил бўйича шаҳар, туман солиқ идораларига ва лицензия масалалари борасида "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ҳудудий бўлимларига мурожаат қилиш тавсия этилади.

Тарих тилга кирганда

Вазири Акбар Исломхўжа

Исломхўжа Иброҳимхўжанинг иккинчи ўғли бўлиб, 1872 йилда туғилган. У бадавлат ва обрўли оилада ўсиб, ёшлигидан яхши тарбия олди. Аввалига махсус ўқитувчилар ёрдамида савод чиқарди, кейинроқ мадрасада ўқиди. Отаси 1882 йилда вазир лавозимига тайинланиб, оиласи Хивага кўчгач, ёш Исломхўжа хон фарзандлари билан бирга саройда тарбияланди. Отаси 1889 йилда вафот этганида 15 ёшли Исломхўжа хонликнинг Бош закотчиси эди. Амакиси Сайид Абдуллахўжа вазир қилиб тайинлангач, Исломхўжа Хазораспга ҳоким этиб юборилди. 10 йиллик фаолияти давомида у етук давлат арбоби сифатида танилди. 1898 йилда эса Муҳаммад Раҳимхон уни вафот этган бош вазир Сайид Абдуллахўжа ўрнига вазир қилиб тайинлайди. 26 ёшли бош вазир ўта мураккаб сиёсий шароитда хонликда саноат ва қишлоқ хўжалик ишларини йўлга қўйиш, савдо-сотиқни ривожлантириш ва маданий ҳаётни жонлантириш ишларига катта эътибор қаратади.

Унинг даврида Урганч ва Ҳонқа шаҳарларида янги ёг заводлари қурилади. Урганчда «Рус-Осиё банки» бўлими очилади. Кўп шаҳарларда капиталистик саноат ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши йўлга қўйилади. Хуллас, хонликда унинг обрўси ва салоҳияти кундан-кунга ошиб боради. Исломхўжа шаҳарда маъмурий бинолар қуришга ҳам бошчилик қилади. Унинг ташаббуси билан 1910-1912 йилларда янги услуб мактаби, почта-телеграф биноси, мадраса ва минора ҳамда шаҳар касалхонаси қурилади.

Тил – миллат кўзгуси

Унинг хиралашишига йўл қўймайлик

Институтни битиргач, дастлабки йилларда Мирзо Улуғбек номидаги ўрта мактабда иш бошлаганман. 80-йиллардаги бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қарийб 100 дан ортиқ ўқитувчиларнинг 9-10 нафари бошқа миллат вакили. Ёш мутахассис сифатида менга маъруза топширилган. Она тили ва адабиёт фанини ўқитишда болаларнинг мустақил фикрлаш қобиляти ни ошириш тўғрисидаги маърузамни рус тилида ўқишим кераклигини тайинлашганди. Навбатим келганида қўлимни кўтариб, бир илтимосим борлигини айтдим: Рухсат берсанглар мен маърузамни ўз она тилимда ўқисам...

Залдагилар менга ҳайрон бўлиб, «бу ёғи қандай бўларкин» дегандай кимдир хайрихоҳлик, кимдир ошкора нафрат билан қараётганини сездим. Шундан кейин менга йиғилишларда сўз берилмайдиган бўлди. Сабаби мактаб раҳбариятини юқоридан келган меҳмонлар олдида уялтириб қўйибман...

Шукурки, у кунлар ортда қолди. Мустақилликдан сўнг Алишер Навоий, Амир Темур, Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Мирзо Бобур каби аждодларимиз билан ғурурланиш, улар сўзлаган тилда эмин-эркин гапириш ҳуқуқига эгамиз.

Миллий тилимизга давлат тили мақоми берилганига ҳам анча йил ўтди. Давлат ҳужжатлари ўзбек тилида тўлдирилиши ҳақида қарорлар қабул қилинди. Аммо 70 йиллик қарамлик асорати ҳамон ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти.

Исм-шарифлардаги нотўғри ёзувлар туфайли Джавлан, Ишмат, Балтабай, Раман, Юлдаш, Мавлян бўлиб юрганлар қанча...

Шу ва бошқа кўпгина муаммоли вазиятларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, хусусан, Адлия вазирлиги томонидан ўзбек тилига дахлдор қонун лойиҳасининг муҳокамага қўйилиши эса кимларгадир маъқул бўлмагани ҳали ҳам бу йўлда қилинадиган ишларни қатъият билан давом эттириш зарурлигини кўрсатди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Мария Захарованинг билдирган муносабати албатта ўзини ватани, халқи, миллати фидойси ҳисоблайдиган ҳар қандай кишида акс фикр уйғотади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг «Бу улуғлар тили: ортиқча далил ва шарҳ шарт эмас» дея билдирган фикр-мулоҳазалари миллий маданиятимиз, ўзбек тилимиз жонкуярларига кўтаринкилик, дилларига таскин бағишлади.

Бир пайтлар миллий тилимиз, қадриятларимизга беписандлик билан қаралганини у даврни бошидан кечирганлар яхши билишади.

Шунданми, одамларда ҳатто ўз она тилига нисбатан лоқайдлик, беписандлик уйғонганди. Гўёки бу тилнинг келажаги йўқ деган иддаолар ҳам бўлган. Шу топда ўзим гувоҳи бўлганим бир воқеа ёдимга тушди. Бу ҳам ўша 80-йиллардаги мактаблар ҳаётига доир. Фарзандининг гап-сўзи, юриш-туришидаги ўзгаришларни сезган ота у ўқиётган мактабга бориб дарсларни кузатмоқчи бўлади. Ўша куни 2 соат қаторасига рус тили, рус адабиёти дарсларида ўтирар экан, шу тилда бурро-бурро сўзлаётган, шеърлар ўқиётган болалардан мамнун бўлди. У ўқитувчига ўзбек тили ва адабиёти дарсларини ҳам кузатмоқчи эканини айтди. Шунда ўқитувчи бу фанлар ҳафтада икки мартагина ўқитилиши, асосий фан сифатидаги рус тили ва адабиёти эса беш кун давомида олиб борилишини таъкидлади... Табиийки, бу ҳолатда Алишер Навоий, Мирзо Бобур шеърияти, Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчилар ижоди ҳақида талаб даражасида жавоб берадиган ўқувчиларни топиш осон кечмаган. Албатта жаҳон адабиётини яхши билиш кони фойда. Аммо бунинг учун у ўз тили, адабиётини ҳам яхши ўзлаштирган бўлиши керак эмасми? Ахир ўз тарихи, аждодларини билмаган, қадриятларини ҳурмат қилмаган инсон ўзгаларни ҳурмат қила оладими? Бу энди мақолада таъкидланганидек, собиқ шўролар даврида рус тили мақомини кўтариш мақсадида ўзбек тилини менсимаслик, бора-бора уни йўқотишга интилиш натижаси эди. Ҳар ҳолда ўзбек тилимизни давлат тили даражасида кўришни орзу қилганларнинг кўплари армонлари рўёбини кўролмай кетгани айни ҳақиқат. Бу рўшнолик ҳозирги ёшларимизга насиб этган экан уни қадрламаслик, ўз тили қолиб, ўзга тилда сўзлашлари, улуғ шоиримиз айтганидек, тўтиқушга айланиб қолишдек бир гап.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзини билган, ўзлигини таниган инсон, аввало, миллий тили, маданиятини унутмайди, ҳимоя қилади. Ўзбек тилининг жозибадорлигини сақлаб, асраб-авайлайди, уни бошқа тиллардаги сўзлар билан аралаштириб, оммавий маданиятни кўр-кўрона ўзлаштириб олмайди. Омма олдига чиққанда ўзининг замонавий эканлигини кўз-кўз қилиш учун тор-танқис, очиқ-сочиқ кийимда юрмайди. Демак, ўзбек тилимизни ҳимоя қилиш – миллийлигимизни, маданиятимиз, қадриятларимизни асраш, дунёда Ўзбекистондек ўз йўли, буюк тарихи ва келажаги бор юртнинг муносиб фарзанди бўла олиш деганидир.

Сайёра Рихсиева, «Маданият» газетаси мухбири

Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланади

Таниқли бастакор, ижрочи Абдушариф Отажонов 1924 йил Хива шаҳрида созандалар оиласида дунёга келди. Унинг бобоси Хива хонлигида Машариф сурнайчи номи билан яхши танилган эди. Отаси Отажон ака эса машҳур созчи ва боғбон бўлган. Жуда меҳмондўст инсон бўлгани учун боғидаги ҳовуз бўйидаги гужум тагида унинг энг яқин дўстлари, созанда ва гўяндалар тез-тез йиғилиб туришган. Бу гурунгларда шеър, ғазал, қўшиқлар айтишиб, турли мавзуларда қизғин баҳслар тонггача давом этган.



Устозлар хотираси



Абдушариф мана шундай муҳитда улғайди ва мусиқага бўлган қизиқиши орта борди. Мактабда ўқиб юрган пайтлари, Хива колхозчи ёшлар мактабида таълим олиб юрган кезларида ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгарагида фаол қатнашди. Оила ва Хива санъат муҳити унда театрга ихлос уйғотди.

Абдушариф қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга киради, аммо театрга бўлган ҳаваси туфайли бу даргоҳни тарк этиб, 1939 йил театрга ишга киради. Шу орада театр актрисаси Бикажон Раҳимовани севиб қолиб, унга уйланади. Афсуски, бу бахтли ҳаёт узоқ давом этмади. 1941 йил Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, 1942 йилнинг сентябрь ойида у ҳам армияга чақирилади. Озроқ ҳарбий тайёргарлик курсини ўтагач, 1943 йилнинг март ойида Калинин, кейин Беларусь фронти сафида Орёл, Волхов, Бобруйск, Рогачев шаҳарларини озод қилишда қатнашади. 1944 йил 27 июлида Польшанинг Белосток шаҳрини озод қилишдаги жангларда оғир яраланган Абдушариф Отажонов госпиталда узоқ даволанишдан сўнг 1945 йил фронтдан ногирон бўлиб уйига қайтади. Ва шу йилиёқ Огаҳий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга таклиф этилади.

Бу даргоҳда 1951 йилгача самарали меҳнат қилади. Ўз ижодига танқидий назар билан қарайдиган Абдушариф ижодий режаларни амалга оширишда мусиқавий билимларининг етарли эмаслигини сезади ва 1951 йилда дўстлари Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсуповлар билан бирга Амударёдан ўтиб, Тошкентдаги Хамза номли мусиқа билим юртига ўқишга киради. Бу ерда илм олиш билан бирга Хоразм санъатини тарғиб ҳам қилишади. 1955 йил ўқишни тугатгач, Абдушариф Отажонов Хива шаҳрига йўлланма олади ва айрим иқтисодий қийинчиликлар сабаб бекитилган мусиқа мактабини қайтадан тиклайди. 1958 йилда эса Урганчдаги Огаҳий театрига ишга қайтади ва Р.Аллаберганов ҳамкорлигида иккита «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» (Юнус Юсупов асари), «Маърифат қурбонлари» (Эгам Раҳим асари) спектакларига мусиқа басталайди.

1959 – 1964 йилларда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради. Уни сиртдан чанг ва симфоник оркестри учун ёзилган концерт билан муваффақиятли тугаллайди.

Абдушариф Отажонов Ўзбекистон композиторлари орасида биринчи бўлиб чанг асбобининг симфоник оркестр билан беллаша олиш даражасига етганини ўз концертида намойиш қилади.

Бастакор Огаҳий театри учун 20 дан зиёд драма ва комедияларга мусиқа яратиб, эл эътиборини қозонди. У Ю.Юсуповнинг «Огаҳий» ва «Қон ва тож», Озарбайжон драматурги М.Тамхасибнинг «Баҳор», Р.Тагорнинг «Оқ нилуфар», Қурбонбой Матризаевнинг «Маҳтумқули», Ўлмас Умарбековнинг «Бўронли йиллар», Раҳим Бекниёзовнинг «Икки ўт орасида» каби драма ва комедияларига ёзилган мусиқалар муаллифидир. Шуниси қувонарлики, композиторнинг саҳна асарларидаги куй ва қўшиқлар премьеранинг эртанги кунида кўчаларда тингловчилар томонидан куйлана бошлаган. Санъаткор ижодида Хоразм мавзуси, хусусан, унинг санъати, тарихи, улуғ сиймолар ҳаёти ва ижоди ҳаққоний мусиқавий образлар орқали ғоятда тўлақонли ифодаланган. А.Отажонов басталаган куйлар халқ оҳангларига яқин бўлганлиги учун тез орада оммавий сайлда, байрамларда, театр концертларида яккахон санъаткорлар томонидан куйланган. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Матёқуб Раҳимов ижро этган «Бир жанона етишдим», «Кўп соғинтирма», «Жонгинам шартингни айт», Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Султонпошша Раҳимова куйлаган «Мучик», «Меҳнат завқи», «Кел-кел, жоним», Шуҳрат Девонов ижросидаги «Ошпаз», «Почтачи», «Бобойжоним», «Палов» қўшиқлари шулар жумласидан. А.Отажонов бир вақтнинг ўзида бастакорлик, педагоглик, ташкилотчилик фаолиятини олиб борди, кўплаб шогирдларни тайёрлади. Хамза мукофоти лауреатларидан композитор Рустам Абдуллаев, Улуғбек Мусаевлар опера, балет, симфония концерт асарлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларга ҳам танилиб, жаҳон мусиқа маданияти саҳифаларидан ўрин олишган. А.Отажонов кўп йиллар театр директори ва дирижёр, Урганч мусиқа билим юрти раҳбари сифатида ҳам танилди. Бастакорнинг рафиқаси Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, элга машҳур Бикажон Раҳимова Хива ва вилоят театрида 200 дан ортиқ ролларда ўйнаб, ўзбек халқи эътиборига мушаррaф бўлган. Фарзандларидан Муҳаммад – истеъдодли бастакор, Олимбой, Озодбой – мусиқа ўқитувчилари.

Ўзбек мусиқа санъати тараққиётидаги хизматлари учун А.Отажоновга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвони берилган.

"Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси

Хориж

«Мона Лиза»ни сотиш таклиф қилинди

Француз тадбиркори Стефан Дистангиан мамлакатни инқироздан олиб чиқиш учун афсонавий «Мона Лиза» асарини сотиш керак деган таклифни илгари сурди.

«Худди болалар сувга тош улоқтириб ўйнаётганидек, кундан-кунга коронавирус билан курашишга миллиардлаб евро сарфлаяпмиз. Бунинг эса охири кўринмаяпти, демакки, молиявий инқирознинг туби йўқ. Бунча харажатни чиқариб олишни ҳам ўйламасак охири вой бўлади, ниманингдир баҳридан ўтишга тўғри келади», – деди Дистангиан.

Тадбиркор хомчўтига кўра, мамлакатни инқироз жаридан тортиб олишга $50 млрд. керак бўлади.

Маълумот учун: «Мона Лиза» («Жоконда») асарини Леонардо да Винчи 1503-1505 йилларда чизган. Айни пайтда асар Франциядаги Лувр музейида сақланмоқда. 2005 йилдан бери асар учун алоҳида хона ажратилган бўлиб, у ўқ ўтмас ойна билан ҳимояланган.

Оила – муқаддас

Жароҳатланган жажжи қалб ноласи

Яқинда ижтимоий тармоқда бир ёш қизалоқнинг "Менинг оилам" сарлавҳаси остида ёзилган "дил сўзлари"га кўзим тушди. Унда қуйидагилар битилган эди:

"Менинг оилам энг ёмон оила. Нега десангиз, менинг дадам энг ёмон дада. Ойимни уради, ойимга бақирадилар. Ойим эса дардларини ичига ютадилар. Йиғлама Зилош, йиғлама дейдилар. Биз ухлагандан сўнг яна қилиқларини бошлайдилар. Бу оиладан тўйиб кетдим. Ойим азобланмасинлар. Эй Худо, ўлиб кетсам ҳаммага яхши бўладими? Ойим ўлмасинлар, мен ўлай. Мен бизнинг оиламиз энг зўр оила деб ўйлагандим. Лекин оиламиз энг ёмон оила!"

Зилола, 10 ёш.



Menin oilam
Menin oilam eng yomon oila. Nega desangiz
dadam Menin dadam eng yomon dada.
Ayimni uradi. Ayimga baqiradilar. Ayim
esa dardlarini ichlariga yutadilar. Yiglama
Zilosh yiglama deydilar. Biz uxlagandan
zong yana qiliqlarini boshlaydilar. Bu oiladan
toyib ketdim. Ayim azoblanmasinlar. E
Xudo olib ketsam hammaga yaxshi
bo'ladi. Ayim o'lmasinlar men o'lay.
Menin oilam eng zo'r oila
deb o'ylagandim. Lekin oilam eng yomon oila!

Ҳа, бу сўзларни ўқиб, таъсирланмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, уни болаларининг кўз ўнгида хотинига қўл кўтариб турадиган оталар қайта-қайта ўқишсин, зора, улар ҳам инсофга кириб қолишса...

Ахир бизга нима бўляпти?! Нега бир-биримизни меҳримизни, эътиборимизни қизғоняпмиз?! Наҳот, дунё ташвишларию, ҳою-ҳавасларига шунчалик берилиб кетган бўлсак?! Нимадан кўнглимиз тўлмай жанжал қиламиз, кўзимизнинг оқу-қораларини ранжитамиз...

ОТА – БОЛА УЧУН ХАВФСИЗЛИК МАНБАИ

Лутфулла ТУРСУНОВ, ЎзМУ Психология кафедраси доценти, психолог

Табиатан қизларнинг оталарига меҳри чексиз бўлади. Ҳар сонияда оталаридан меҳр ва эътибор кутиб яшашларини уларнинг нигоҳидан сезиш қийин эмас. Буни ҳис этиб яшайдиган қизларданда бахтиёр қиз дунёда топилмаса керак. Минг афсуски, бугун "Менинг отам ёмон" дейдиган қизларни ҳам учратишимиз мумкин.

Юқоридаги ҳолат жуда ачинарли ва ташвишли ҳамдир. Энди бу қизнинг қалбида бир умр отасига нисбатан нафрат сақланиб қолиши мумкин. Нейропсихологлар тадқиқоти натижасига кўра, қизларнинг бош миясида юзага келадиган доминанталик (бир нерв марказининг устунликка эга бўлиши) бир умрга сақланиб қолиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, болалигидан онасининг хўрланишини, доим аламли кўз ёшлар тўкишини кўриб улғайган қизларда қарамақарши жинста нисбатан нафрат ортиб борса ортадики, камаймайди. Агар қизалок "Ҳамма ёмонликлар мен туфайли, агар мен бўлмасам, ҳаммаси яхши бўлади", деган фикрни миясига қуйиб олгудай бўлса-чи? Бунда ўзига нисбатан нафратланиш ҳисси ортиб боргани сари суицидга мойиллик кучаяди. Ота фарзанди учун хавфсизлик манбаидир. Ота-она ўз вақтида болаларига меҳр-муҳаббатини бермас экан, курашлар бесамар якунланаверади.

Зилола қизимизнинг отасига айтар сўзим бор:

Сиз отасиз, бу бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Келинг, бу ўткинчи дунё ташвишларини бир четга суриб, фарзандингизни суйиб эркаланг, оилангиз тинч бўлиши учун қўлингиздан келган барча ҳаракатларни қилинг, ишонаман, бу сизнинг қўлингиздан келади. Қизингиз сизга талпинсин, эркаланиб, ишдан келганингизда "Дадажон" деб олдингизга югуриб чиқсин! Оила, ота-она борасида иншо ёзганда "Менинг дадам дунёдаги энг яхши дада", деб ёзсин! Ахир бу бахт-ку!

БОЛАНИНГ БОЛАЛИГИНИ ҚАЙТАРИНГ!

Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти матбуот котиби

"Ҳар бир фарзанд ичида буюк даҳо яширин", деган эди физика бўйича нобель мукофоти совриндори Альберт Эйнштейн. Олимнинг бу фикрига қўшиламан. Агар бола оила ва атроф-муҳитда яхши тарбия топа олса, яширин иқтидори янада ривожлантирилса, ундан даҳо шаклланиши шубҳасиз. Чунки бу дунёда иқтидорсиз боланинг ўзи йўқ. Лекин бунинг акси бўлса-чи?.. Оилада ҳар куни жанжал, бола ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳар куни психологик азоблар босимида яшаётган гўдак эртага ким бўлиб улғаяди? У жамиятга қандай фойда келтира олади. Носоғлом муҳитда ўсган боладан нима умид қилиш мумкин? Афсуски, бу саволларга жавоб топиш қийин. Мурғак қалбдан отилиб чиқаётган юқоридаги нолаларни бир ўқинг. Унинг ота-онага, оилага бўлган нафрати, вақти келса, ватанга, халққа нафрат бўлиб шаклланмайдими? Жароҳатланган қалбга меҳр ва эътибордан тезда малҳам қўйилмаса, новдадек синади. Ҳаётдан безади ва ғазабдан ёмон йўлларга кириб кетиши ёки жиноятга қўл уриши ҳам мумкин. Жиноятчи, ватан хоинларининг тақдирига қизиқиб, уларнинг болалиги ўрганилганда аксариятининг умри хароб ўтганига гувоҳ бўлиш мумкин. Психологиядан маълумки, инсон ҳомилалик пайтидан то балоғат ёшигача онг остида маълумот йиғар экан. У келажакда яхши инсон бўлиб улғайиши мумкин, лекин онгостидаги жоҳилият уни бир умр таъқиб этиш эҳтимоли қолади. Бундан эса нафақат атрофидагилар, балки жамият ҳам зарар кўради. Бу қизалоқнинг ғамгин ноласи битта оила эмас, бутун бир миллатнинг дарди бўлмоғи керак!

ТАРБИЯ – ЭНГ НОЗИК МАСАЛА

Жасур РАУПОВ, Тошкент шаҳри "Носирхон" жоме масжиди имом-хатиби

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг яхши, баркамол инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Лекин уларнинг ўз фарзандларига меҳр-оқибати ва тарбиявий муносабати бир хил бўлавермас экан. Айрим ота-оналар бола тарбиясига жуда бепарво қарашади. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги борди-келдилари биринчи ўриндаги вазифа-ю, оила аъзоларининг ахлоқий тарбияси билан шуғулланиш иккинчи даражали иш кўринади. Ота-она фарзандларини асло дуоибад қилмасин, қарғамасин. Чунки уларнинг хайрли дуолари каби қарғишлари ҳам тез ижобат бўлади. Аллоҳ асрасин-у, аммо шундай бўлиб қолсами, фарзанд бадхулқ, бадкирдорга айланади. Ўз навбатида, фарзандлар ҳам ота-оналарининг ранжишига, норозиликларига, қарғишига сабаб бўладиган амал ва ҳаракатлардан астойдил тийилишлари лозим.

Ривоят қилишларича, бир киши Абдуллоҳ ибни Муборак ҳузурларига келиб, ўғлининг беодоб ва бадкирдорлигидан шикоят қилди. Абдуллоҳ ибни Муборак сўрадилар: "Уни дуоибад қилганмидинг?" У киши тасдиқлаб, бош силкиди. Шунда ҳазрат: "Сен ўзинг уни бузиб қўйибсан", деб у кишини маломат қилдилар. Отанинг насиҳат, таълиму тарбияси фарзандга таъсир қилмоқ учун, аввало, ўзи ҳам солиҳ бўлмоғи лозим.

ФАРЗАНД ОИЛАНИ АЖРАТМАЙДИ, БАЛКИ МУСТАҲКАМЛАШИ КЕРАК!

Феруза АЗИМОВА, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи

Биз оиланинг муқаддаслиги, қутлуғ даргоҳ эканлиги хусусида ҳар доим, ҳар ерда кўп ва хўп гапирамиз, тушунтирамиз. Аммо барчамиз ҳам буни тўғри англамаймиз, амал қилмаймиз, оилавий қадриятларни етарлича тан олмаймиз, қўлламаймиз. Оиланинг борлиги ва барқарорлиги, қайсидир маънода, икки шахс, яъни эр-хотиннинг бир-бирига бардош бериши, турли камчилик-хатоликларига чидаши ҳамдир. Акс ҳолда, бирлашув-аҳдлашувни сақлаш, оилани асраш мушкул. Фарзанд ана шу оилавий ришталарни, эр-хотинлик муносабатларини мустаҳкамловчи асосий пойдевор. Фарзанд бор экан, инсон оиласи бағрига ошиқади. Ахир, фарзанд – яратганнинг мўъжизавий неъмати.

Оилада фарзанд дунёга келгач, эру хотин ўзининг улғайганини вақтида ҳис қилиши зарур. Энди масъуллик янада ошади: хотин – она, эр – ота! Икки жуфт шунчаки эр-хотин эмас, Ота ва Она! Бу масъулликнинг бурчу вазифалари ҳам жўшқин ва мураккаб. Оналик бурчи, оталик бурчи баридан аввалги ўринни эгаллайди. Шу боисдан ўртадаги фарзанд ҳурмати эр-хотин ўзаро келишмовчиликларга барҳам бериши, бир-бирининг камчилик, айб-нуқсонига кўз юмиб, кечиримли бўлиши талаб этилади. Аксинча, низолар ажримга бориб, жажжи фарзандларни ота-онасиз қолдириши ҳам мумкин.

Ота-онанинг ўзаро муносабатлари фарзанд руҳиятига сезиларли таъсир ўтказади. Бола одамови, қайсар бўлиб боради. Низою жанжаллар мурғак қалбни ўкситади, ҳаётга муносабатини ўзгартиради. Бола онасини жабрдийда билгани билан, отасидан ҳам кўнгил узолмайди. Аксинча, ота ёки онасининг ноҳақлигини ҳис қилганда айбдорга нисбатан қалбида нафрат учқунлари уйғона бошлайди. Ҳар куни қандайдир баҳоналар билан жанжал чиқариб, онасини аёвсиз калтаклайдиган отани қандай яхши кўриш мумкин? Ёки ўринсиз ҳарҳашалар, таъна-талаблар билан отасини камситадиган, жаҳлини қўзитадиган онани қандай севиб бўлади? Бундай низоли муҳит энди улғайиб келаётган норасида гўдаклар руҳиятини парчалайди, уларнинг гўзал ва бепоён хаёллари тўзғитади, жажжи қалбига шафқатсизлик, оқибатсизлик уруғларини сочади. Қатъият ва жўръатини, ўзига ишончини сўндиради. Энди ўйлаб кўринг, руҳияти маҳзун, қалби синиқ бола ўзини жамоат жойида қандай тутади? Таълим-тарбия даргоҳларида-чи? Оиладаги ижтимоий-маънавий муҳит унинг табиатини турлича тарбиялайди. Оилавий меҳр-муҳаббатга тўйинмаган қалб ҳамиша кемтик бўлиб қолаверади. Бундай ҳолатда улғайган инсон жамиятда ўз ўрнини топишга қийналади, аламзада, тушкун кайфиятда яшайди, на ўзига, на ўзгаларга фойдаси тегади.

СИЗ ЯХШИ ЭМАС, ЭНГ ЯХШИ ОТА-ОНА БЎЛИНГ!

Феруза АКРОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази бўлим бошлиғи

Баъзан ишда, баъзида турмуш ўртоғингиз билан жанжаллашиб, кайфиятингиз тушади. Буни фарзандингизга билдирманг. Айрим ота-оналар кайфияти бўлмаса, аламини болаларидан олишади. Ёки уларни "Нариоқ тур, ўзи кайфиятим йўқ", деб жеркиб ташлашади. Албатта, буни улар чин юракдан қилишмайди. Ўзим туққан болам-ку, эртага бирор совға олиб берсам эсидан чиқади, – деб ўйлашади. Аммо бу жуда хато фикр. Бора-бора улар сизни хафа қилган кишилардан нафратланадиган ёки умуман олдингизга келмайдиган бўлишади. Энг асосийси, фарзандингизга ҳар куни уни яхши кўришингизни, доим уни қўллашингизни, унга ишонишингизни айтишдан чарчаманг.

Бугун арзимаган баҳоналар билан оилалар бузилиб, бегуноҳ фарзандлар тирик етим бўлиб қолмоқда. Гоҳида фарзандимизга кўрсатаётган ҳар бир хатти-ҳаракатимиз уни тарбиялаб боришини била туриб, унга хатоларни кўрсатишда давом этамиз, буни такрорлаймиз. Оилада ҳар бир ота-онанинг ҳаракатларидаги хатолар ҳам бирдек фарзандларга кўчади. Кейин хато қилса, минг афсусу надомат қилиб, хатоларимизни такрорлади, дея ўзимизга таскин берамиз.

Отанинг оиладаги ўрни мустаҳкамланса, она ҳам тинч, хотиржам бўлади. Зеро, аёл эрининг маънавий инқирозидан ҳеч қандай манфаат топмайди. Оиланинг чин хожаси – бекі эркак, аёли эса унга кўмакдош, мададкор – ёрдамчи, маслаҳатгўй бўлса, шарқнинг ҳақиқий бахт уйи шу бўлади.

Оқилу доно халқимиз "Онасини кўр – қизини ол!" – дейди-ю, билъакс, "Отасини кўриб, ўғлига тег", – демайди. Шундай эмасми? Бу – ҳикмат, ибрат. Демак, ҳамма замонларда ҳам қизларимизнинг тақдири айнан онажонларимизга боғлиқ бўлган ва бўлиб келмоқда. Келинг, фарзандларимиз, уларнинг тақдири ҳақида қайғурайлик, ўзимизнинг ҳаракатларимизга, тилимизга, юриш-туришимизга, кийимимизга озгина эътибор билан қараб, оқила она номига сазовор бўлайлик!

Фарзандларимиз тинч ва файзли умр кечиришлари учун уларга отани ҳурмат қилиш, унинг ризолигига эришиш йўлларидан сабоқ берайлик! Дона аёл турмуш ўртоғи топаётган пулга қаноат қилиши, топгани оила учун жудаям қадрли эканини, уни рўзғор учун энг керакли нарсаларга сарфланаётганини вақтивақти билан таъкидлаб туриши лозим. Азиз аёллар, шуни унутманг, эркакнинг топганида: бир сўмида минг сўмлик барака бор.

Оилада – ота улуғ, она азиз, бола бўйсунувчан бўлсин. Отанинг йўқлигида ўрни бўш турса, ҳатто, унинг ўрнига ҳам ҳурмат кўрсатилса, таомнинг аввали унга атаб сузилса, орқадан ҳам эҳтиром этилиб, сизланса, бундан онанинг обрўси тушиб қолмайди, аксинча, унинг мислсиз иззат топиши манбалар билан тасдиқланган. Буни аёллар вақт ўтиб англайди. Ишонмасангиз, кўпни кўрган момолардан сўранг!

К.АҲМЕДОВА тайёрлади.

Театр ҳаёти

Қўчқор Норқобилнинг пьесаси Бокуда намойиш этилади

Таниқли адиб ва драматург Қўчқор Норқобилнинг "Беш бева ва бир бошлиқ" комедияси Жафар Жабборли номидаги Озарбайжон давлат драма театрида саҳналаштирилмоқда.

– *Қардош ўзбек драматурги Қўчқор Норқобилнинг бу комедияси барчамизга маъқул бўлиб, саҳналаштиришга қарор қилдик. Театримиз раҳбари Ифтихор Пириев ижодий жамоа фикрини қўллаб-қувватлади. Асарни саҳналаштириш менинг зиммамга тушди. Бажонидил рози бўлдим,* – дейди театр режиссёри Нижот Алаторан.

Озарбайжонда ҳам коронавирус сабаб эълон қилинган карантин туфайли репитициялар масофадан ўтказилмоқда. Комедияда асосий ролларни ижро этиш учун Ниёмаддин Сафаралиев, Хотира Сулаймонова, Парвин Дадашова, Хадича Маммедова, Элнора Ҳайдарова, Севинч Хусайинова, Гунай Акбарова, Тунзола Алиева каби театрнинг таниқли актёрлари жалб этилган.

Бизнинг суҳбат

Музейларимиз жаҳонга юз тутмоқда

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқилова билан суҳбат.

– Ҳар йили 18 май санаси Халқаро музейлар куни сифатида нишонланади. Суҳбатимиз аввалида музейларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маънавий-маърифий қадриятлари, яшаш тарзи, тафаккури, салоҳиятини акс эттирувчи бебаҳо ёдгорликлари бор. Ана шу тарихдан дарак берувчи, аждодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий, маърифий хазина бу музейлардир. У йиллар давомида бойиб, тўлиб боради. Уларда тўпланадиган қимматбаҳо маълумотлар, экспонатлар одамларда ўз тарихи, аждодларига бўлган ҳурмат, садоқатни шакллантиради, тарбиялайди. Ўз ўрнида бу жамият тараққиёти, маданиятининг гуллаб-яшнашида муҳим аҳамият касб этади.

– Сўнгги йилларда Ўзбекистон музейларини ривожлантириш, салоҳиятини ошириш ишларига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маданият вазирлиги бу ишларга масъул сифатида бошқош бўлаётгани ҳам яхши маълум. Бу саъй-ҳаракатлар нечоғлик самара бермоқда?

– Ҳозирги кунда мамлакатимизда 126 та музей фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 106 таси Маданият вазирлиги тасарруфида. 46 та асосий музейлар бўлиб, қолганлари уларнинг филиалларидир. Ҳақиқатан ҳам сўнгги уч йилда 10 дан ортиқ янги музейлар ташкил этилди. Жумладан, Мўйноқда Экология музейи, Шаҳрисабзда «Мақом» музейи, Фарғонада Ҳазиний, Эркин Воҳидов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Шароф Рашидов, Бухорода Мутал Бурхонов уй музейлари, Қўқонда «Буюк алломалар», Хивада Шерғозихон мадрасаси тарихий музейи халқимизни хушнуд этди. Лекин уларни янги-янги маълумот ва экспонатлар билан бойитиш учун илмий изланишлар олиб борилиши, одамлар фикрини ўрганиб, қизиқувчи маданият ихлосмандларини жалб этиш керак бўлади.

– Дунёдаги очиқ осмон остидаги музей-шаҳарлар қаторида Ўзбекистонимизнинг музей шаҳарлари ҳам ўзгачалиги билан ажралиб туради...

– Тўғри, Хива, Бухоро, Самарқанд, шунингдек, Термиз, Шаҳрисабз, Қўқон, Сармишсой музей-қўриқхоналарига бўлган қизиқиш кучли. Уларнинг ҳар бири мозий сирларини ўзида сақлаб келади. Бу шаҳарларимиз номининг ўзиданоқ саёҳатчиларни чорлаб туради. Фақат уларга янада кўпроқ эътибор қаратиб, тиклаш ишларини мунтазам давом эттириш зарур. Ҳозирги карантин кунларидан кейин яна бу табаррук жойлар сайёҳлар билан гавжум бўлади.

– Дарвоқе, карантин кунларида музейларимиз фаолияти қандай олиб бориляпти?

– Синовли кунлар музейларимиз учун ҳам ўзгача синов, тажриба даври бўлди. Онлайн саёҳат, онлайн суҳбат, онлайн конференциялар соҳа ходимлари учун ҳам, қизиқувчилар учун ҳам мазмундорлиги билан маъқул бўлмоқда.

Бу борада вазирлик томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Интернет тармоғида республикамиздаги мавжуд музейларнинг ягона портали, моддий маданий мерос объектларига оид маълумот ва материалларнинг ягона электрон базасини яратиш бўйича режаларимиз тез орада ниҳоясига етказилади. Аслида олдиндан яратилган дунёдаги ва ўзимизнинг машҳур музейларимиз ҳақидаги маълумотлар жамланган Ўзбекистон давлат каталоги ҳозирги карантин кунлари музей ихлосмандларига виртуал саёҳат учун яхши имконият бўлди.

– Музейлар мисолида халқаро алоқаларга ҳам тўхталиб ўтсангиз...

– Бу борада айтишга арзигулик ишларимиз кўп. Бизнинг бой тарихий меросимиз, маданий ёдгорликларимиз ва улар сақланаётган музейларимизга дунёда қизиқиш катта. Жаҳоннинг машҳур Лувр, Эрмитаж, Третьяков галереяси, шунингдек, Франция, Германиядаги музейлар билан алоқалар ўрнатилган. Уларда бизнинг тарихимизга доир экспонатлар ҳам намойиш этилянпти. Шу ўринда Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Евроиттифоқ халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Алоқалар ва рамзлар-символлар маъноси» деб номланган кўргазма ҳам катта қизиқиш уйғотди. Унда хоржлик ва юртимиз рассомларининг асарлари намойиш этилди. Буларни ҳам мухлислар интернет орқали кўриб кузатишлари мумкин. Халқаро алоқалар ҳақида гап кетганда Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Пушкин номидаги Россия давлат тасвирий санъат музейи билан ҳамкорликда ўтказилаётган кўргазмаларни ҳам айтиб ўтиш ўринли. Германияда эса Савицкий номидаги музей экспонатларини намойиш этиш таклифи билдирилди. Ҳозирги кунда шундай машҳур музейлар билан онлайн мулоқотлар, конференциялар олиб борилмоқда.

– Музейларимизни жаҳоннинг кўзга кўринган музейлари даражасига етказиш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

– Ҳозирги куннинг бу борадаги долзарб масаласи бу соҳага малакали, замонавий билимларни чуқур ўзлаштирган мутахассислар зарурлиги. Баъзиларни чет элларда ўқитиб келиш, ва муҳими, уларни ўзимизда ўқитиш учун Илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш режалаштирилган. Экспонатларни тиклайдиган уста реставратор, расмларни ўз ҳолига келтира оладиган рангтасвир, графика бўйича истеъдодли мутахассислар музейларимиз нуфузини янада кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

– Дунёда музейлар мамлакати деган номга сазовор давлатлар ҳам бор. Бизда ҳам бунга интилиш борми?

– Албатта, бу бизнинг асосий мақсадимиз. Нидерландия деган кичиккина давлатда 1000 дан ортиқ музей бўлиб, доимо сайёҳлар билан гавжум бўлар экан. Биз ҳам болаларимизни мактаб ёшиданоқ музейга қизиқтиришимиз, дарсларни шу музейларда ўтказишни йўлга қўйишимиз керак. Фурсатдан фойдаланиб юртдошларимизни Халқаро музейлар куни билан табриклар эканман фарзандларимизни тарихимизнинг, музейларимизнинг ҳақиқий ихлосмандлари бўлиб етишишига ҳисса қўшишади деган умиддаман...

Сайёра Рихсиева суҳбатлашди.

Бола бахши

Санъатимизнинг ўлмас сиймолари

Хоразмлик Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев куйлаганда Жайҳун мавжлари янада жунбушга келгандек бўларди, гўё булбуллар сайраштдан тинарди. Қушлар бахши хонишини тинглаш учун бўғотларга тизиларди. У дуторини қўлига олиб, ғоҳ «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам»дан, ғоҳ «Гўрўғли», ғоҳ «Бозиргон» ёки «Сайёдхон ва Ҳамро»дан куйлайверарди, куйлайверарди...

Бола бахшидан олдин ҳам Ризо бахши, Эрназар бахши, Аваз бахши, Нафас бахши, Матёқуб қори, Жуманазар бахши кабилар воҳа достончилик мактаби довруғини оламга ёйган эдилар.

Қурбонназар Абдуллаев эса мазкур воҳа достончилик мактабининг умрбоқийлигига беқиёс ҳисса қўшди. У ўзига хос достончилик мактаби ярата олди. 1898 йил Хива яқинидаги Гулланбоғ қишлоғида дунёга келган Бола бахшининг катта бобоси Усмон ота ҳам эл суйган бахшилардан бўлган. Отаси Абдулла Авазниёз ўғли деҳқончилик ишлари билан шуғулланса-да, Навоий, Фузулий, Машраб, Огаҳий, Маҳтумқули ғазалларини ёддан билар, давраларда уларни хиргойи қилиб бергувчи санъат ихлосмандларидан эди. Ўғлидаги илмга интилиш, қуввайи ҳофизани сезган ота уни беш яшарлигида эски мактабга беради ва дутор совға қилади.

Бир йил ўтгач, ёш Қурбонназардаги санъатга ихлос ва иқтидорни илғаган Абдулла ота уни Ёдгор буломончига шогирдликка беради. Ўша йиллари Қурбонназар Отажон Абдуллаев, Жуманазар бахшилардан дутор чалиш, достон айтиш йўлларини ўргана бошлайди. У илк маротаба «Авазхон» достонини ўрганади ва уни ўз қишлоқдошлари даврасида, чойхонада ижро этади. Шундан сўнг эл орасида «Гулланбоғдан бир бола бахши чиқибди, дутор чалиб, достон айтармиш», деган хушхабар тарқалади. Ўша илк достон куйлаган кундан бошлаб кишилар уни севиб, Бола бахши деб атай бошлаганлар.

Мусиқа илмининг зукко билимдони, санъатимиз фидоийси ва ҳомийси, ўта талабчан хон Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз даврида Матпано ота Худойберганов, Мадраҳим Ёқубов – Шерозий, Қаландар Дўнмас, Полли дўзчилардек бетакрор санъат усталари ижод қилаётган бир пайтда эл оғзига тушиш осон эмасди. Буни дилдан ҳис қила олган Бола бахши Яратган берган иқтидорни сайқаллаштириш мақсадида тинмай изланди. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, Хоразм достонлари ўзига хос ижро услуби билан ажралиб туради. Улар «Муҳаммаси уфор» куйи билан бошланиб, «Оромижон» ёки «Бартаул»нинг «Уфори»си билан тугалланган. Баъзан эса «Саргардон» куйи ижросида якунланади. Ундаги воқеалар кўпинча насрий қофия услубида камида 30-40 та қўшиқ бўлиб, ўзига хос куйда ижро этилади. Бола бахши билан ҳамсуҳбат бўлганларнинг сўзларига қараганда, илгари 72 тадан ошиқ достон куйлари бўлган. Бола бахши 40 та достонни ва достон куйларидан 39 тасини ёд билган, сўз матни ва қўшиқларини маромига етказиб ижро этган.

Дарвоқе, 1938 йил республикада биринчи бўлиб «Ўзбекистон халқ достончиси» унвонига сазовор бўлган Бола бахши – Қурбонназар Абдуллаев 96 йиллик умрининг 90 йилини санъатимизнинг муқаддас жанрларидан бири – достончиликка бахшида этди. У тўла маънода воҳа бахшичилик мактабини яратган санъаткордир. Уч республика халқ артисти, санъатимизнинг улкан чинорларидан бўлган Комилжон Отаниёзов достон куйларини, чертим ва айтим йўлларини ундан ўрганган, оқ фотиҳасини олган. Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Қаландар Норматов, Кўҳна урганчлик Шомурод бахши, самарқандлик Дурди Қилич бахши, навоийлик Жобберган бахши, қўшқўпирлик Каримбой ва Тўйли бахшилар ҳамда тошкентлик Атахон Матёқубов Бола бахшининг ҳақиқий шогирдлари. Шунинг билан у бахшилар сулоласига ҳам асос солди. Ўғиллари Абдулла Қурбонназаров Норбек бахши, Матёқуб бахши ва Етмишбой бахшилар отаси ижодини давом эттириб, эл суйган санъаткорларга айланишди.

Гўзалой Юсупова, Бола бахшининг невараси, Огаҳий уй музейи бўлим мудири

Табиат ва инсон

Қизил китобга киритилган балиқлар овланди



Бухоро вилояти Экология бошқармаси ахборот хизмати хабарига кўра, жорий йилнинг 14-15 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари ва Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар масалалари бўлими инспекторлари томонидан тезкор рейд тадбирлари ўтказилди.

Ғиждувон тумани "Оғитма" табиий сув ҳавзасидаги рейд тадбири пайтида Нива русумли 80Р141LA автомашина тўхтатилган. У кўздан кечирилганда 5 та қопда лескали тўрлар ва 99 дона – шундан 7 дона Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган Туркистон мўйлабдори, 12 дона зоғорабалиқ, 26 дона мойбалиқ, 52 дона товонбалиқ ва 2 дона судак балиқлари борлиги аниқланган.

Мутахассислар томонидан ҳолат ўрганилиб, табиатга етказилган зарар суммаси 37 374 800 сўмни ташкил этганлиги қайд қилинди.

Ҳуқуқбузарликни содир этган фуқаролар Т.Ф, О.С. ва Т.Э.ларга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, амалдаги қонунчиликка асосан чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилди.

ЎзА

Маданий мерос

Ҳар бир шаҳарнинг севимли бир зиёратгоҳи, аҳлида фахр ҳиссини уйғотадиган дил тортар гўшаси бўлади. Хўқанди латифнинг бундай қадамжоси Худоёрхон ўрдаси ва унда жойлашган "Қўқон" давлат музей-қўриқхонасидир. Меҳмондўст қўқонликлар ўз хонадони ёки ишхонасига ташриф буюрган меҳмонларни музей зиёратига олиб келмагунча кўнгили тинчимайди. Шаҳар аҳли, айниқса, ёшлар байрам кунлари сайилни албатта шу ердан бошлашади. Зеро, улар бу ердан туриб мозий рўёсига саёҳат қилиб, нафосат оламининг дақиқ мўъжизаларидан баҳраманд бўлиб, илмлари ошади, дидлари сайқалланади.

"Қўқон" давлат музей-қўриқхонаси 95 ёшда

Ўлкамизда расмий музейлар очилишидан анча аввал халқимизда санъат, адабиёт, осори-атиқаларга қизиқиш кучли бўлган. Тарихий манбаларда келтирилишича, Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842 йй) қўли гул уста, моҳир хаттот бўлиб, ўз қўли билан ясаган ўқ-ёй, қилич, пичоқ, ойболта, нафис идиш-товоқлар, ҳуснихат билан кўчирган қўлёзмаларини, шунингдек, устозлари ва ҳамкасабалари томонидан яратилган амалий санъат асарларини ўз ўрдасининг бир неча алоҳида хоналарига дид билан жойлаштириб, номини Абу Райҳон Берунийнинг машҳур асаридан олиб, "Осори боқия", яъни мангулик ёдгорликлари деб атаган. Афсуски, бу ўзига хос ёдгорликлар мажмуаси узоқ сақланмади, 1842 йилги уруш пайтида талон-тарож қилинди.

Ҳозирги вақтда музей-қўриқхона таркибига 5 та музей ҳамда 4 та маданий мерос ёдгорликлари киради.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон каби санъат ва маданият марказларида истиқомат қилган айрим зодагонлар, мансабдорлар, бой-савдогарлар саводхон, ўқимишли, нафосат ошуфтаси бўлиб, умрлари ва савдо фаолиятлари мобайнида кўплаб осори қадима (антиквар буюмлар), тасвирий ва амалий санъат асарлари, китоб ва тумор шаклидаги қўлёзмалар, осори-атиқаларни тўплашган. Жумладан, Қўқон хонлигининг Россиядаги элчиси, йирик савдогар Мирзаҳаким Парвоначи, йирик пахтачи бой, савдогар Олимжон Ҳожи, унинг ўғли Солиҳжон Бойвачча, Худоёрхоннинг савдодаги шериги Миртоҳирбой, маърифатпарвар Сатторхон Қози кўплаб осори-атиқаларни тўплаб, ўз ҳовлиларидаги алоҳида хоналарни музейга айлантиришган. Мирзаҳаким Парвоначининг музейи 1875 йил ҳовлиси билан бирга жаҳолатпарастлар томонидан ёндириб юборилган. Бошқа бойларники эса 1920 йилларда мусодара этилган.

Қўқонда биринчи расмий музей 1925 йил собиқ Худоёрхон ўрдаси биносида очилган. У музейнинг энг асосий бойлиги, ноёб экспонати ҳисобланади. XIX асрнинг муаззам ва муҳташам обидаларидан бўлмиш Худоёрхон ўрдаси Ўзбекистон заминида мавжуд учта сарой иншоотларидан биридир. Қўқон хонлиги даврида (1709 – 1876 йилар) хонлар томонидан жами олти марта ўрда (сарой) қурдирилган. Замона зайли билан улар вайрон этилиб, фақат охиргиси – Худоёрхон ўрдасининг кичик бир қисмигина сақланиб қолган.

Музей фондини экспонатлар билан бойитиш ишлари давом этмоқда. Бугунги кунда музей жамғармасида мавжуд бўлган экспонатлар сони 47712 тани ташкил қилади.

1876 йилда Қўқон шаҳри Россия империяси томонидан эгалланиб, Қўқон хонлиги тугатилди. Хонликнинг Фарғона водийсига кирувчи ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона областига айлантирилди. Қўқон шаҳри, вақтинча унинг маркази бўлиб турди. Область гарнизони собиқ хон ўрдасига жойлаштирилди. Бироқ у ўша даврдаги оврупоча фортификация талабларига мос келмасди. Шу боис иншоотнинг пастки қисмлари бузиб ташланиб, ўрнига ўша давр талабларига мос келадиган қалъа қурилди. Ўрданинг сақланиб қолган қисмига гарнизон штаби, мактаб, зобитлар оилалари жойлаштирилди, хон қабулхонаси эса черковга айлантирилди. Кейинроқ ички саройнинг ҳам катта қисми бузиб ташланиб, бир неча ҳовли ва 114 хонадан 19 хонагина сақланиб қолди.

Фуқаролар уруши алангаси бироз пасайиб, иқтисодий ҳаёт изга туша бошлагач, ўрда биносида Фарғона вилоят қишлоқ хўжалик ва саноат кўргазмаси очиладиган бўлди. Кўргазма павильонларига жой очиш учун яна бир қанча хоналар бузилди. Ниҳоят, 1924 йилда кўргазма тантанали равишда очилди. Унда қишлоқ хўжалиги, чорвадорлик, саноат ва шаҳар ҳунармандларининг маҳсулотлари, моҳир усталар томонидан яратилган амалий санъат асарлари, бойларнинг мулклари ва хонадонларидан мусодара қилинган осори-атиқалар, ноёб қуроллар, турли жониворларнинг тулумлари ҳам намойиш этилди. Уни томоша қилиш асосида жамоатчиликда "Кўргазмага қўйилган осори-атиқалар, тулумлар асосида музей ташкил қилиш керак" деган фикр пайдо бўлди. 1925 йилда мазкур экспонатлар асосида музей ташкил қилинди.

Музей 1929 йилгача Фарғона округ музейи, 1929 йилдан 1937 йилгача Қўқон районлараро музей деб номланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўрда биносида ҳарбий госпиталь ташкил этилиши муносабати билан музей фаолияти тўхтатилди. Экспонатлар турли муассаса ва ташкилотларга тарқатиб юборилди. Уруш тамом бўлгач эса қайтадан очилди. Ҳамма ишни, жумладан, экспонат тўплашни ҳам янгидан бошлашга тўғри келади. Зеро, турли ташкилотларга тарқатилган экспонатлар талон-тарож қилинган, қаровсизлик оқибатида қийматини йўқотганди. 1959 йил музейга Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи рутбаси берилди.

"Қўқон" давлат музей-қўриқхонаси Республиканинг кўҳна музейларидан бўлиб, водийда қадимийлиги бўйича Фарғона вилоят маданияти ва тарихи давлат музейидан кейинги ўринда туради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги "2017 – 2027 йилларда Давлат музейларида фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейининг Қўқон маданияти тарихи музейига айлантирилиши ҳамда Қўқон шаҳридаги барча музейлар унинг таркибида бирлаштирилиши Қўқон маданияти ва унинг тарихи бўйича илмий-тадқиқот ва илмий-маърифий ишларни яхлит ва комплекс тарзда олиб бориш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда собиқ Ҳамза мемориал музейи негизида Буюк алломалар музейи барпо этилди. Шунингдек, 2018 йил 19 декабрдаги "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 9-банди асосида музейга "Қўқон" давлат-музей қўриқхонаси" рутбаси берилди.

Я.Дадабоев, "Қўқон" давлат музей-қўриқхонаси илмий ходими

Сўкилаётган қадрият

«Жаҳл келса – ақл кетади»

Биз "маданият" сўзига кўп урғу берсак-да, уни ҳар биримиз турлича тушунамиз. Худди ҳамма нарсани ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаганидек. Шу боис унинг таг моҳияти-ю, тарихига оид далилларга тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, назаримизда. Аслини олганда, маданият тарихдан эмас, инсоннинг тарбиясидан шаклланади. Кейинчалик унинг юриш-туриши, жамоат орасида ўзини тутиши, сўзлаши ва фикрлашида намоён бўлиб боради.



Кўпчилик фарзандим билим олса, маданий тарбияси ҳам шаклланади деб ўйлайди. Аслида маданий тарбий ўқиш ёки ўқимасликдан эмас, балки шахс сифатида ўқмасликдан шаклланмай қолади...

Бугун виртуал ҳаёт анча жадаллаб кетди. Аввалларида одамлар онгида етилиб, лекин тилига кўчмаган сўзлар эндиликда «пишиб улгурмай» оғиздан отилиб чиқяпти. Фикрий қарамликдан қутулиш босқичига етиб келяпмиз, чунки онлайн ҳаёт ҳар қандай фойдаланувчини мулоҳаза қилишга, ўз дунёқарашини ўстиришга ундамоқда. Ёшлар ахборотлар оқимидан керагича, ҳатто ортиғи билан қонмоқда. Бу эса манфаатларнинг ўзаро зид равишда рақобатга киришиши, бунинг оқибатида эса мустақил шахс етишиб чиқишига замин яратилганини кўрсатади.

Инсон психологияси шундайки, у доим ўз қаричини мукаммал деб ҳисоблайди ва бошқалар хулосасига камдан-кам қўшилади. Бир нарсанинг икки шахс томонидан турли маконда кашф қилиниши фанга битта ютуқ олиб келиши мумкин, аммо икки кишининг ғояси ёки фикри икки тушунчани, икки хил кашфиётни пайдо қилади. Албатта, соғлом фикрий рақобатда бирбирига бўлган ҳурматни ўзаро сақлаган ҳолда.

Гапни узоқдан олиб келганимизнинг ўзига яраша сабаби бор. Бугун ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўзини қизиқтирган ҳар бир «пост»га муносабат билдириб қўйдиган бўлди. Бу бир томондан яхши, яъни ўзаро фикрлар алмашинади. Бироқ орага ҳақорату камситишларнинг қўшилиши, куракда турмайдиган сўзларнинг ишлатилиши ҳали замондошларимизда муомала маданияти яхши шаклланмаганидан дарак беради.

Халқимизда "Жаҳл келса – ақл кетади" деган нақл бор. Бугун мазкур мақол жуда кўпчиликка ҳамроҳ. Айниқса, ҳар қандай ахборотнинг кўз очиб юмгунча тарқаб кетишини ҳисобга олсак, жаҳли тезларнинг ҳам, ақли йўқларнинг ҳам кўп эканига амин бўламиз.

Қаранг, бугун манфаатлар тўқнашуви сабаб ижтимоий тармоқларда бир миллат, бир қондошларнинг фарзандлари бир-бирини уруғ-аймоғигача "сийлаши" "тренд"га айланиб бормоқда. Кимдир масалани бошқача тушуниб, нотўғри фикр билдириб кўйса борми, унинг ҳатосини тўғрилашга урининг ҳам кўрилмайди, аксинча дарров киноя, камситишга ўтилади, кейин ҳақоратланади. У ёқдан ҳам жавоб ёзилса, куракда турмайдиган сўзлар «ёғилади», ҳатто дўк-пўписа қиладиганларини ҳам учратамиз. Хўш, буни нима деб аташ мумкин?! Ушбу жараёнларда қандай шахслар шаклланяпти? Мустақил фикрлими ёки маданиятсизлар? Онлайн ҳаёт фикр эркинлиги билан бирга, аввалдан мавжуд бўлган фикрий қарамликни янада кучайтирмаяптими? Чунки орамизда қайсидир қалтафаҳмга эргашиб, вазиятни тўғри тушунмай дуч келганни бўралаб сўкаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунга қуйида бир мисол келтираман. Яқинда "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остоновнинг "Бизга зиёнингиз тегмасин" номли мақоласига ижтимоий тармоқларда билдирилган муносабатлар кишини лол қолдирди. Ким ноҳақ ким ҳақлиги – бу бошқа масала. Аммо отахон журналистни ҳақоратлаш ҳақиқий ўзбек фарзандига хос фазилатми? Олдинлари кичик ёшдагилар катталарни сўкмас эди. Кўрққанидан эмас, ҳурмат қилганидан. Наҳотки, ҳурмат тушунчасининг ҳам оҳори тўкилиб бораётган бўлса?!

Ота-она ўзаро тортишиб қолишса, эр жаҳл устида айтмоқчи бўлганини фарзандлари олдида ичга ютган даврлар бугун боласига ўзи сўкишни ўргатадиган замонларга айландими?! Оғзидан чиқаётган сўзнинг маъносини тушунмайдиган гўдак улғайгач бундай ноқис жумлани айтса ёки эшитса, бадани жимирламай енгил ҳазм қилиши нимадан далолат?! Бу буюк қадрияти ва бутун дунё ҳавас қиладиган маданияти бор миллатни уялтирмайдими?!

Шундай экан, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларнинг ўз ҳиссиётларини кўрсатадиган макон бўлмаслиги керак. Ҳар қандай нотўғри билдирилган фикрга холис ва маданият билан муносабат билдирилса, айтилажак сўзнинг маъноси асло ўзгариб кетмайди! Сўкиш ва камситиш, нафсониятга тегадиган сўзлар ўрнига тўғри жумлаларни қўллаш келажакда юз бериши мумкин бўлган муаммоларнинг ҳам олдини олади.

"Маданият" кўп айтилиб, тез-тез таъкидланадиган сўз эмас. Агар ҳадеб ишлатаверсак, кун сайин қадр-қиймати йўқолиб, одамнинг меъдасига тега бошлайди. Аммо бугун ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари мазкур тушунчани тўлиқ англаб етмас экан, уни қайта-қайта қўллашга мажбурмиз.

Оламгир Абдиев

Халқаро ҳамкорлик

Маданият ва санъатга инвестиция

Сўнгги йилларда чет эллик инвесторларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Буни 15 май куни Маданият вазири О.Назарбековнинг хорижлик ҳамкорлар билан учрашуви мисолида кўриш мумкин.

Жорий йилда маданият ва санъат соҳасига ҳам инвестицияларни кенг жалб этиш режалаштирилган. Бу жараёнда Жанубий Кореянинг «Трипл Граунд Корея» компанияси томонидан махсус таъсис этилган "UMID TARBIYA GROUP" МЧЖ ХК раҳбари Жон Сонг Ёнг инвестори билан 20 млн. АҚШ доллари миқдоридаги давлат хусусий шериклик ҳамкорлигига келишиб олинди.

Шундан сўнг тадбиркор Ю.Тиора билан Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонини ифода этувчи театр-томоша кўнгилочар маркази лойиҳаси устида ҳам музокаралар олиб борилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 7 млн. АҚШ доллари этиб белгиланди.

Моддий мерос

Мамлакатимизда моддий маданий мерос объектлари, хусусан, табаррук қадамжолар, тарихий шаҳарларнинг асл қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий ва меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор ишлаб чиқди. Унга кўра, "Муғтепа" археология мероси объектини (кейинги ўринларда объект дейилади) тегишли даражада муҳофаза қилиш, консервациялаш ва асраб-авайлаш, объектда рухсатнома олган археологлар томонидан қидирув ҳамда қазишма ишларини ва назоратини ташкил этиш, чуқур илмий-археологик тадқиқот натижалари асосида мажмуанинг илмий-тарихий концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга объектни чуқур илмий ўрганиш, кенг тарғиб этиш ва мажмуанинг самарали фаолият юритиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Муғтепа ёдгорлиги



Милоддан аввалги I асрда Косонсойнинг чап соҳилида, ҳозирги Муғтепа ёдгорлиги ўрнида, қадимги Косон шаҳрига асос солинади. Археологик тадқиқотларга кўра, шаҳар Косонсойнинг чап соҳилидаги табиий тепалик устида, стратегик жиҳатдан энг қулай жойда қурилган бўлиб, қадимги Фарғона подшоларининг ёзги қарорғоҳи сифатида тарихга муҳрланган. Милодий VII асрдан бошлаб то араблар истилоси давригача Косонда Турк ҳоқонлигининг ишончли давлат вакиллари ўтирган. Шаҳарнинг арки-аълоси ва салобатли мудофаа деворлари қолдиқлари шу кунгача етиб келган.

Тадқиқотлар давомида турли хил сопол идишлар топилган. Улар ўзининг ясалиш техникаси ва технологияси жиҳатидан юқори сифатда бўлиб, шаҳар ҳунармандлари яратгани кўриниб турибди. IX-XI асрларга келиб қадимги Косон шаҳри ўзининг аввалги сиёсий мавқеини йўқотади, яъни манбаларда у пойтахт шаҳарлар қаторида тилга олинмайди. Лекин Косонсой воҳасининг иқтисодий ва маданий маркази ҳозирги Косонсой ўрнига кўчади. XII асрда эса Косон кўп поғонали Қорахонийлар салтанатининг пойтахт шаҳарларидан бирига айланади. Бу ерда улар давлатининг хазинаҳоналаридан бири жойлашган бўлиб, танга пуллар зарб қилинган. Темур ва темурийлар даври ҳамда сўнгги ўрта асрларда ҳам Косон-Косонсой шаҳри шимолий Фарғонанинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлиб қолади. Милоддан аввалги I асрда Косонсой ҳавзасининг қадимги деҳқончилик ва шаҳарсозлик анъаналари негизида пайдо бўлган Косон-Косонсой – Фарғона водийсининг шимолий-шарқида жойлашган халқ амалий санъати меъморчилиги, ҳунармандчилигига эга маданият маскани ва Буюк ипак йўлидаги қадимий шаҳар сифатида ўзбек халқи тарихида муносиб ўрин эгаллаган.

XV-XVI асрларда яшаб ижод этган машҳур олим, тасаввуф таълимотининг йирик намояндаси Маҳдуми Аъзам ҳам Косон диёрида таваллуд топиб, камолга етган. Ҳозирги кунда Муғтепа (Муғ қалъа) археология ёдгорлигидан ташқари Косонсой шаҳрида Шайх Султон Жалолиддин Самоний мақбараси (X-XI асрлар) қолдиқлари, Ғўзапоя масжиди (XV-XVI асрлар), жомеъ масжиди, шарқона ер ости ҳаммоми (XVII аср) ва XVIII асрда бунёд этилган Юсуфхон эшон мақбаралари каби маданий мерос обидалари мавжуд.

Ш.Исмоналиев, Д.Шайхиддинова,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари

Дунё дурдоналари

"Жоконда" ҳақида нималарни биламиз?





Инсониятга буюклар томонидан қолдирилган асарлар кўп. Улар бебаҳо хазинадир. Ноёб дурдоналар оддийгина маданий мерос эмас, балки тарихнинг гувоҳи ва келажакка хабар етказувчи элчилари ҳамдир. Бундай маданий ёдгорликлар яратилганидан то шу кунгача инсониятни ўйлантириб, қизиқтириб келади. Уларда яширинган сирлар, ҳиссиётлар яна бир неча асрлар қалбларни жунбушга келтириши аниқ. Шундай шоҳ асарлардан бири "Мона Лиза" ("Жоконда")дир.

Уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири, рассомликда ҳали ҳануз энг юқори ўриндаги ижодкор Леонардо да Винчи қаламига мансуб "Мона Лиза" борасидаги тахминлар, қарашлар тўхтаганича йўқ. Айтиш мумкинки, энг биринчи тахминлар унинг яратилишидан бошланади. Полотно XVI аср оралиғида флоренциялик бой, ипак савдогари Франческо дел Жокондонинг ўз аёлидан эсдалик бўлиб қолиши учун рассомга буюртма қилиши натижасида дунёга келган, унда Мона Лиза Франческо дел Жокондо қора либосда, олд сочи ва қоши қирилган ҳолда тасвирланган дейишади. Албатта, бу бир тахмин. Чунки бундай қарашлар сонсаноқсиз. Мисол учун, шунчаки рассом шогирдига аёл қўйлагини кийгизиб қаҳрамон образини яратган ёки "Мона Лиза" Леонардонинг онаси бўлиши мумкин деган фикрлар ҳам йўқ эмас. Нима бўлганда ҳам асар ҳали ҳануз ўз қадрини йўқотмаган.

Сурат итальян тилида «Ritratto di Monna Lisa del Giocondo» бўлиб, унинг таржимаси – "Лиза Жокондо хонимнинг портрети". Олимлар рассомнинг бу асарини ижодидаги энг юқори полотноларидан бири деб таърифлашади. Томошабин суратдаги қаҳрамонга турли нуқтадан караса ҳам Лиза Жокондо унга тикилиб тургандек туюлаверади.

Гарчи суратларни матоларга чизиш аллақачон кашф қилинган бўлса-да, уйғониш даври вакиллари каби янгиликларга мойил рассом мазкур асарини теракдан олинган 77x53 сантиметр ўлчамдаги тахта бўлагига чизган. Унда шунчаки бир аёлнинг портрети эмас, инсон туйғулари, ҳаётнинг фақат ижодкорга маълум бўлган сирлари мужассам. Шунинг учун ҳам рассом оламдан ўтгач "Жоконда" тарихи ва таърифи ҳақида кўплаб изланишлар олиб борилди, асарлар битилди.

Олимларнинг аниқлашича, да Винчи "Мона Лиза" устида 15 йил ишлаган. Яна бир тахминга кўра, "Жоконда"нинг биргина лабига 12 йил ишлов берилган экан.

Тарихий шахс, машҳур итальян рассомлари ҳаётини ўрганган биограф Жоржио Вазари Леонардо да Винчининг мазкур асари ҳақида жуда кўп маълумотлар беради. Унинг фикрича, рассом сурат устида 4 йил (1516 – 1519 й) ишлаган, аммо битира олмаган. Киритилиши керак бўлган чизгиларни эса ўзи билан олиб кетган. Бундан ташқари, Лиза портретини чизиш олдидан мусиқачилар ва масхарабозлар ҳам таклиф қилинган. Улар ўз санъатларини намойиш этиб, қаҳрамоннинг табассум қилишига ҳисса қўшишган. Бундан мақсад, аввалги портретларда тасвирланган қаҳрамонлардан фарқли равишда "Жоконда" юзида бўлиши мумкин бўлган тушкунликнинг олдини олиш эди. Айнан "Мона Лиза" лабларидаги табассум кўп йиллар мутахассислар эътиборида турган. Бу албатта Вазаринг тахмини. Шу боис кейинги изланишлардан маълум бўлишича, олим суратни ўз кўзи билан кўрмаган. Бу эса ўз навбатида Вазари исми номаълум хабарчи ахборотларидан фойдаланганини кўрсатади.

Кейинги тадқиқотлар шуни аниқладики, рассом асар устида 5 йил ишлаган ва уни буюртмачисига ҳам бермай Франсияга олиб кетган ҳамда сўнгги қисмини гувоҳларсиз битирган экан. Рассом васияти билан полотно унинг шогирди Салайга топширилган дея тахмин қилинади. Франция қироли Франциск I эса суратни Салай авлодларидан олган бўлиши мумкин, чунки XIX асрга тегишли Франциск I нинг ўлим олдидаги қайғули суратида тўшак ёнидаги стол устида "Мона Лиза" портрети ҳам тасвирланган.

"Мона Лиза"ни 1802 йилда Наполеон Бонапарт "Лувр" музейига тухфа қилган. Ҳозирда шоҳ асар шу музейда, алоҳида хона ва қўриқлов хизмати назоратида сақланади.

Ижодкор ғайритабиийликка муккасидан кетган эди, шунинг учун асарни чизиш жараёнида бўёқлар устида ҳам тажриба ўтказишни қўллаган. Эҳтимол, шу сабабдан "Мона Лиза" ҳозирда дастлабки ҳолатига нисбатан анча қорайиб кетгандир. Тахминларга кўра, ушбу тажриба рассомнинг "Махфий кеча" деб номланувчи деворий суратини ҳам нобуд килган. Аммо шундай фаразлар ҳам борки, "Мона Лиза" худди инсон каби қариб бормоқда, тобора қорайиб кетаётган фон ва суратдаги аёл юзидаги чизиқлар шундай рамзий маъноларни берар экан. Тадқиқотларда айтилишича, "Мона Лиза"нинг қоши бўлган, бироқ қайта ишловлар натижасида у йўқолган ёки кўринмай қолган.

Вақтнинг асарга ўтказган таъсири унинг рангин бўёқларини ҳам ўчирган, деб ҳам тахмин қилинади, масалан, "Мона Лиза"нинг қўйлаги енглари дастлаб қизил бўлган. 2012 йилда «Жоконда»нинг қора нейтрал фонга жойлаштирилган нусхаси тозалангач суратнинг асл кўринишни қандай бўлгани ойдинлашди. Ёркин бўёқлар бугунги кунгача кўплаб йўқотишлар билан етиб келган асарнинг бошида қандай бўлганини яққол кўрсатиб берди. Суратнинг ҳозирги аҳволи жуда ёмон, унда ёриқлар пайдо бўлган.

1911 йилда "Жоконда" ўғрилаб кетилади, аммо орадан 3 йил ўтгач топилади. Ўғриланиш сабаби ҳам худди сурат каби сирлилигича қолган. Балки, бу ринишоҳ асарнинг ўз Она ватанига қайтарилиши учун бўлгандир.

Мутахассисларнинг шундай тахминлари ҳам мавжудки, Нью-Йоркдаги харид коллекциясига оид бир суратда ҳам "Мона Лиза" тасвирланган бўлиб, у Леонардо да Винчи «Жоконда»сининг дастлабки эскизи бўлиши мумкин деган тахминлар бор. Агар шундай бўлса, рассом асарнинг бошланишида Жокондо хонимни қўлида сершоҳ новда билан тасвирлашга уринган.

Бошқа бир таҳлилларга кўра, "Мона Лиза" рассомнинг ўз автопортрети ҳам бўлиши мумкин экан. Айрим тадқиқотчилар полотнода бегуноҳ аёл қиёфасида Леонардонинг ўзини кўрадилар. 2010 йилда ўтказилган микроскопик текширувлар натижасида "Мона Лиза" кўзларида "Л.В" ҳарфлари борлиги аниқланган. Хуллас, ҳали ҳануз томошабинларни ўзига ром қилиб келаётган асарнинг сирлари тўлалигича очилгани йўқ ва ҳамон сукут сақлаб келмоқда. Унга қараган инсон ўз ички оламида ўзгаришни сезади. Бир пайтлар шоир Гиём Аполлине "Бу асарни ёқиб юбориш керак" дея таъкидлаган экан. Музейда турган бу шоҳ асарда аёл ибтидоси илоҳаларидан бири тасвирланган эмиш ва шу сабабдан у ҳар кимга турлича, кимгадир кулган, кимгадир фитна қилмоқчидек туюлар экан. 1950 йил бошида музейга ташриф буюрувчилардан бири ушбу санъат асарига кислота сепиб юборган. Асарга сезиларли, аммо жиддий зарар етмаган. Бу каби ҳужумлар "Жоконда"нинг инсон ички оламига қанчалик таъсир қилишини исботлайди.

Шундан сўнг полотно ўқ ўтказмайдиган шиша ичида сақланадиган бўлди.

Оламгир Абдиев
Интернет материаллари асосида тайёрлади.

Маданият

Музейлар – тарих кўзгуси

Халқ ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзини ифода этувчи неки бўлса, барчаси музейларда жамланади. Элнинг маънавий дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам уларнинг ўрни беқиёс. Ўз тарихини билмасдан, уни ҳар томонлама ўрганмасдан, ота-боболаримизнинг муваффақиятларидан ўрнак олиб, хатоларидан хулоса чиқармасдан – нурли келажакни режалаштириб бўлмайди. Шу боис ҳар йили 18 май – Халқаро музейлар куни сифатида бутун дунёда кенг нишонланади.

Жорий йил 18 май куни «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси – икки ойлик карантиндан сўнг яна фаолиятини қайта тиклади. Шу куни музейимизда очиқ эшиклар куни бўлди.

Дарҳақиқат, музейлар маънавий ва маърифий илм ўчоғи сифатида доим тараққиётда, ривожланиш ва ўзгаришда. Уларни бойитиб бориш, ўлмас, ноёб меъморий обидаларни келажак авлодларга етказиш, асраб-авайлаш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади.

«Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси

Карантинда уйда қолинг!

Беҳудага вақт сарфлаб, кўча кезманг

Юртимизда коронавирус пандемиясига қарши якдиллик билан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда самарқандлик маданият ходимлари ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоят мусиқали драма театри жамоаси режиссёр Муҳаммадрасул Мадаминзода раҳбарлигида карантиннинг илк кунлариданоқ аҳоли билан онлайн мулоқотни йўлга қўйди. Улар тайёрлаган видеороликлар шундай сатрлар билан бошланади: "Ота-она дийдорини соғинсангиз, ўғил-қизнинг камолини ўйласангиз, Ватанимиз ободлигин истасангиз, кўча кезманг, беҳудага вақт сарфламанг, карантинда уйда қолиб ёрдамлашинг". Унинг давомида эса карантин туфайли қолдирилган спектакллардан парчалар намойиш этилган. "Қирол Лир", "Бир ўлиб кўрай" каби саҳна асарларидаги ҳаётий воқеалар театрнинг маҳоратли актёрлари ижроси билан мухлисларни мамнун этмоқда.

Шунингдек, хушовоз хонандалар ижросидаги "Дилга яқин тароналар", "Барҳаёт сиймолар" – Суръат Пўлатов, Сойиб Хўжаевлар ижро этган ариялар, лавҳалар, уруш фахрийларига бағишланган саҳифалар таъсирчанлиги билан одамларда эзгу туйғуларнинг шакланишида муҳим аҳамият касб этган.

– Карантин кунлари бўлса-да, жамоамиз иш фаолиятини тўхтаттани йўқ, – дейди театр раҳбари Камолиддин Қоржовов. – Улар уйда қолиб ҳам режалаштирилган спектакллар намойишига тайёргарлик кўришмоқда. Бу йилги халқимизга манзур бўлган премьераларни карантин кунларида телевидение орқали намойиш этишни йўлга қўйдик. Шу кунларда барча ижодкорларимиз янги спектакллар "Жаннатга йўл", "Бибихоним" каби тарихий, мусиқали драмалар устида иш олиб боришмоқда.

Самарқанднинг бошқа театрлари, жумладан, вилоят рус драма театри, Каттақўрғон шаҳар драма театрлари жамоалари ҳам онлайн тарзда фаолият олиб боришмоқда.

С.Эшматова

Биз биргаликда кучмиз

Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида

Тўрткўл туман маданият бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нурли наволар» фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарори ва Маданият вазирлигининг ушбу қарор юзасидан берган буйруғи асосида туман ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигида фестивалнинг саралаш босқичи март ойида ўтказилган эди.

Ҳозирги карантин кунларида бундай фестиваллар ўрнига онлайн тадбирлар ташкил этилмоқда. Ғолиблар иштирокида энди онлайн концертлар уюштирилмоқда.

Шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари фронторти фахрийларини зиёрат қилишда карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда фаолдирлар.

Тумандаги икки нафар уруш қатнашчиларига ва бошқа фахрийларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг эсдалик совғалари ва юбилей медаллари туман ҳокими ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида топширилди.

Маданият бўлими ходимлари шу муносабат билан уруш фахрийси, қаҳрамони И.Галенко хонадонида бўлиб, совға ва мукофотларни топширишди, маданий хизмат кўрсатишди. Улар орасида Россия Президенти В.Путин юборган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган юбилей медали ҳам бор.

Маданият бўлими мутахассиси Назокат Болтабоеванинг хабар беришича, 18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан онлайн саёҳатлар уюштирилмоқда. Карантин даврида уйда ўтирган ҳолда дунёнинг энг қадимий ва таниқли музейлари галереяларини виртуал томоша қилишлари мумкин бўлади. Бу имконият Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Миллий музей фондининг электрон каталоги ёрдамида амалга оширилади. Унга бир қанча музейлар бириктирилган бўлиб, интернет манзилини www. gos katalog.uz дан топишлари мумкин.

– Музейлар ҳар бир халқнинг миллий маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одатларини ёш авлодга етказиш, уларда она-ватан, эл-юрт, туғилиб ўсган она заминига муҳаббат, садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, – дейди Назокат Болтабоева. – Бу бебаҳо илмий-тарихий хазинамизни янада бойитиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг вазифамиз, муқаддас бурчимиздир.

С.Раҳмонова

18 май – Халқаро музейлар куни

Музейлар ҳам янгича иш тартибида

Ҳар бир миллат ва давлатнинг ривожланиши, юксалиши унинг ўтмиши, қадрияти, бой тарихини ўрганиш ҳамда келажак авлодга мукаммал тарзда етказишда музейларнинг ўрни беқиёс. Улар маданият ва маърифат ўчоғидир.

Музейлар тўғрисидаги қонунлар эса музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Жумладан, бизнинг Ангрен шаҳар тарихи музейи ҳам.

Ёш авлодни ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва аждодлар мероси билан фахрланиш руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни катта. Улар ёшларни маданий, тарихий ва бадиий меросимиз, ўтмиш ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва санъат асарлари билан таништиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунга музейимиз бўлимларидаги экспозициялар, кўчма кўргазмалар, ходимлар томонидан Ангрен шаҳар ХТБга қарашли умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликдаги очиқ дарслар мисол бўла олади.

Бугун бутун дунёни қаттиқ ўйга толдирган COVID-19 пандемияси сабаб эълон қилинган карантин даврида ҳам музейимиз жамоаси ўз иш фаолиятларини масофадан туриб олиб боришмоқда. Музей раҳбари бошчилигида "Боғи Сурх" маҳалласидан топилган қадимий қийматга эга сопол буюмларни қазиб олишда фаол қатнашиб, милоддан аввалги III ва милодий III-IV асрларга оид Қовунчи маданиятига тегишли қимматбаҳо экспонатлар Ангрен шаҳар тарихи музейига келтирилди.

Музейларнинг қай даражада аҳамиятга эга эканлигини 18 май – Халқаро музейлар кунининг кенг нишонланишида ҳам кўриш мумкин.

Азиз ҳамкасблар, байрамингиз муборак бўлсин!

Наргиза Аъзамова, Ангрен шаҳар тарихи музейи

МАДАНИЯТ
ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8485 Буюртма - Г - 527
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти - 22.30
Топширилди - 23.00
1 2 3 4 6